

ВИКТИМОЛОГИК БАҲОЛАШНИНГ КРИМИНОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАДАГИ ЎРНИ.

Абдусаломова Хуршидабону Насирдиновна

Ўзбекистон Республикаси Криминология

тадқиқот институти мустақил

изланувчиси, подполковник

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21900480>

Аннотация

Мақолада вояга етмаган жабрланувчининг процессуал мақомини белгилаш билан чекланмасдан, унинг индивидуал ҳимоя эҳтиёжлари, психологик ҳолати, рақамли муҳитдаги хулқ-атвори ва такрорий виктимизация хавфини комплекс баҳолаш зарурати асослантирилган. Шу муносабат билан ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган жиноятлардан жабрланган вояга етмаганларга нисбатан мажбурий виктимологик баҳолаш институтини жорий этиш таклиф этилган.

Калит сўзлар: жабрланувчи, рақамли муҳит, такрорий виктимизация, иккиламчи виктимизация, виктимологик баҳолаш, виктимологик профилактика, кибержиноятчилик.

Криминологик нуқтаи назардан мажбурий виктимологик баҳолашнинг аҳамияти унинг фақат содир этилган жиноят оқибатларини аниқлаш билан чекланмаслигида намоён бўлади.

Криминологиянинг замонавий вазифаларидан бири жиноятчиликка сабаб бўлувчи ва унинг содир этилишига имконият яратувчи омилларни аниқлаш ҳамда профилактика чораларини илмий асосда ишлаб чиқишдан иборат. Шу маънода виктимологик баҳолаш натижасида олинган маълумотлар кейинги виктимизациянинг олдини олиш учун муҳим эмпирик манба бўлиши мумкин.

Масалан, муайян тоифадаги жиноят ишлари бўйича вояга етмаган жабрланувчиларнинг рақамли фаолияти, жиноий алоқа ўрнатилган платформалар, такрорий виктимизацияга олиб келувчи ҳолатлар ва психологик хавф омиллари тизимли ўрганилса, кибервиктимизациянинг умумий тенденцияларини аниқлаш имконияти кенгаяди.

Шу тариқа алоҳида жиноят ишида ўтказилган индивидуал баҳолаш натижалари тегишли тарзда умумлаштирилган ва шахсга доир маълумотлар ҳимоя қилинган ҳолда криминологик тадқиқотлар учун эмпирик база вазифасини бажариши мумкин.

Бу эса жиноятчилик профилактикасини реактив моделдан проактив моделга ўтказиш учун замин яратади. Реактив ёндашувда давлат асосан содир этилган жиноятга муносабат билдиради. Проактив ёндашувда эса содир этилган жиноят ҳақидаги маълумотлар келгусидаги хавфларни аниқлаш ва уларни камайтириш учун ҳам ишлатилади.

Миллий кибервиктимологик мониторинг тизимини шакллантириш истиқболлари

Мажбурий виктимологик баҳолашнинг яна бир муҳим истиқболи — унинг натижаларини умумлаштириш асосида миллий даражада кибервиктимологик мониторингни ривожлантириш имкониятидир.

Агар ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган жиноятлардан жабрланган вояга етмаган шахсларга нисбатан ягона мезонлар асосида баҳолаш амалга оширилса, маълум вақт давомида катта ҳажмдаги эмпирик маълумотлар шаклланади.

Ушбу маълумотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали қайси ёш гуруҳларида виктимизация хавфи юқорилиги, қандай рақамли хулқ-атвор моделлари хавф билан кўпроқ боғлиқлиги, қайси турдаги жиноятларда такрорий виктимизация эҳтимоли юқорилиги ҳамда қандай профилактик чоралар самарали натижа бераётганини аниқлаш мумкин.

Бироқ бундай тизимни шакллантиришда боланинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги ва шахсга доир маълумотларни муҳофаза қилиш устувор аҳамиятга эга бўлиши шарт. Илмий ва статистик таҳлил учун фойдаланиладиган маълумотлар имкон қадар анонимлаштирилиши ва улардан фойдаланишнинг аниқ ҳуқуқий чегаралари белгиланиши лозим.

Жиноят-процессуал қонунчилиқни такомиллаштириш масаласи

Юқоридаги илмий таҳлиллар ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган жиноятлардан жабрланган вояга етмаганларга нисбатан индивидуал виктимологик баҳолашни процессуал механизм сифатида мустаҳкамлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида қуйидаги мазмундаги махсус қондани назарда тутиш таклиф этилади:

«Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган жиноятлардан жабрланган вояга етмаган шахс иштирокидаги тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар унинг психологик ҳолати, индивидуал ҳимоя эҳтиёжлари, рақамли муҳитдаги хавф даражаси ҳамда такрорий ва

иккиламчи виктимизация эҳтимolini махсус виктимологик баҳолаш натижалари асосида ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади».

Мазкур ёндашувнинг принципиал аҳамияти шундаки, жабрланувчи фақат жиноят ишида муайян процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган иштирокчи сифатида эмас, балки ҳимоя эҳтиёжлари индивидуал равишда аниқланиши лозим бўлган ҳуқуқ субъекти сифатида қаралади.

Шу билан бирга, ушбу механизмнинг самарали ишлаши учун виктимологик баҳолаш мезонлари, уни ўтказиш субъектлари, натижаларни расмийлаштириш шакли, қайта баҳолаш асослари, маълумотларни муҳофаза қилиш тартиби ва баҳолаш натижаларининг процессуал аҳамияти қонунчилик ёки тегишли идоравий ҳужжатларда аниқ белгиланиши лозим.

Рақамли технологияларнинг ривожланиши вояга етмаганлар виктимизациясининг янги шакллари юзага келтириб, виктимология ва криминология олдида янги илмий вазифаларни қўймоқда. Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган жиноятларда боланинг жабрланиши жиноят содир этилган вақт билан чекланиб қолмаслиги, рақамли материалларнинг сақланиши ва тарқалиши сабабли зарар давом этиши ёки такрорланиши мумкин.

Шу боис вояга етмаган шахснинг жабрланувчи сифатидаги процессуал мақомини белгилаш билан чекланмасдан, унинг индивидуал виктимологик ҳолатини комплекс баҳолаш зарур.

Мажбурий виктимологик баҳолаш институтини жорий этиш, биринчидан, боланинг энг яхши манфаатларини жиноят процессида амалий таъминлашга; иккинчидан, такрорий ва иккиламчи виктимизация хавфини эрта аниқлашга; учинчидан, индивидуал профилактика чораларини белгилашга; тўртинчидан, кибервиктимизациянинг детерминантлари ва динамикасини ўрганиш учун эмпирик база яратишга; бешинчидан, миллий кибервиктимологик мониторинг тизимини ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, мажбурий виктимологик баҳолашни фақат жиноят-процессуал қонунчиликка киритиладиган навбатдаги ҳуқуқий кафолат сифатида эмас, балки жиноят-процессуал ҳуқуқ, криминология ва виктимологиянинг ўзаро интеграциясига асосланган комплекс профилактик механизм сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ.

Энг муҳими, мазкур механизм вояга етмаган жабрланувчига нисбатан муносабатни ўзгартиради: асосий савол фақат «қандай жиноят содир

этилди?» деган масала билан чекланмай, «болага қандай зарар етди, у ҳозир қандай хавф остида ва уни қайта виктимизациядан қандай ҳимоя қилиш мумкин?» деган масалаларни ҳам қамраб олади. Айнан шу ёндашув замонавий виктимологик профилактиканинг инсонпарвар ва илмий асосланган мазмунини ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. United Nations. Convention on the Rights of the Child. Adopted by General Assembly Resolution 44/25 of 20 November 1989.
2. United Nations Economic and Social Council. Guidelines on Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime. ECOSOC Resolution 2005/20, 22 July 2005.
3. Council of Europe. Convention on the Protection of Children against Sexual Exploitation and Sexual Abuse (Lanzarote Convention). CETS No. 201. Lanzarote, 25 October 2007.
4. United Nations Office on Drugs and Crime. Handbook for Professionals and Policymakers on Justice in Matters involving Child Victims and Witnesses of Crime. Criminal Justice Handbook Series. New York: United Nations, 2009/2010.
5. European Parliament and Council of the European Union. Directive 2012/29/EU of 25 October 2012 establishing minimum standards on the rights, support and protection of victims of crime. Official Journal of the European Union, L 315, 14 November 2012.

